

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 4 » январь 2020 у.

№ 3

Toshkent sh.

**Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини  
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофик, шунингдек, хотин-қизларнинг хукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазиқ ва зўравонлиқдан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Тазиқ ва зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофик;

Тазиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик хулқ-авторини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофик тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирларлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофикаштирасин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.И. Баситханова ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “4”январдаги  
3 -сон қарорига  
1-илова

**Тазийқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини  
бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом ички ишлар органлари томонидан тазийқ ва (ёки) зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга (кейинги ўринларда жабрланувчи деб аталади) ҳимоя ордерини, шунингдек тазийқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга (кейинги ўринларда зўравонлик содир этган шахслар деб аталади) ҳимоя ордерининг нусхасини бериш (кейинги ўринларда жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларга ҳимоя ордерини бериш деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Ҳимоя ордери ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ серия ва рақамга эга бўлган, қатъий ҳисоби юритиладиган хужжат ҳисобланади.

3. Ҳимоя ордери ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика (катта) инспектори (кейинги ўринларда профилактика инспектори деб аталади) томонидан ушбу Низомга 2-иловада схемага мувофиқ берилади.

4. Ҳимоя ордери туман (шаҳар) ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида юритиладиган алоҳида дафтарда қайд этилади.

**2-боб. Ҳимоя ордерини бериш тартиби**

5. Қуйидагилар ҳимоя ордерини бериш учун асос ҳисобланади:

тазийқ ва зўравонлик жабрланувчисининг мурожаати;

жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва (ёки) ижтимоий тармоклар орқали тарқалган хабарлар;

тазийқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш ҳолатларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланиши;

давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан олинган материаллар.

6. Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ва ташкилотлар жабрланган хотин-қизлар бўйича маълумотга эга бўлгач ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги хабарномани дарҳол ички ишлар органларига тақдим этади.

7. Хабарнома қонун ҳужжатларига мувофиқ ички ишлар органлари навбатчилик қисмидаги дафтарда қайд этилади.

8. Тазийқ ва зўравонлик тўғрисида ҳабар берган шахслар ва тазийқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўриқланади.

9. Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмida белгиланган тартибда қайд этилган мурожаатлар ва хабарлар дарҳол профилактика инспекторига тақдим этилади.

10. Профилактика инспектори ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари томонидан тақдим этилган мурожаатлар ва хабарларни 24 соат мобайнида ўрганиб чиқади ҳамда ўрганиш давомида:

жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар ҳамда бошқа шахслар билан ҳолат юзасидан сухбат ўтказади;

жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахснинг турмуш тарзи, тазиқ ва зўравонлик содир этилишининг келиб чиқиши сабаблари ва шартшароитларини ўрганади;

жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширади.

11. Профилактика инспектори мурожаат ва хабарларни ўрганиш якуни бўйича:

тазиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда – ҳимоя ордерини расмийлаштиради;

зўравонлик содир этган шахсларга ҳимоя ордери берилганлиги тўғрисида жабрланувчининг розилиги билан фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларини, шунингдек бошқа тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотларни хабардор қиласди;

тазиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланмаган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли чораларни белгилайди ҳамда бу ҳақда фуқаролар йиғини раиси, котиби, хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласарда маънавий-аҳлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис иштирокида далолатнома расмийлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят белгилари аниқланган тақдирда-ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бир вақтда иш материалларини жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборади.

12. Ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчиларнинг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили ҳозирлигига кўриб чиқиласди.

Шахс ҳимоя ордерини олиш ва уни имзолашни рад этганда, профилактика инспектори холислар иштирокида далолатнома тузади ҳамда уни ушбу хатти-ҳаракатни давом эттирган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши тўғрисида расмий огоҳлантиради ва бу ҳақда жабрланувчини хабардор қиласди.

13. Ҳимоя ордери расмийлаштирилганда барча ёзувлар кўк (ҳаворанг) сиёхли ручкада, тушунарли қилиб ёзиласди.

14. Ҳимоя ордери уч қисмдан иборат бўлиб:

биринчи қисми (асли) тўлдирилгандан сўнг жабрланувчиларга берилади;  
иккинчи қисми (нусхаси) зўравонлик содир этган шахсларга берилади;  
учинчи қисми профилактика инспекторида қолади.

15. Ҳимоя ордери ўттиз кун муддатгача берилади ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради.

16. Профилактика инспектори ҳимоя ордери берилганидан сўнг уч кун муддатда бу ҳақда тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)нинг ҳукуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси, гурухи) (кейинги ўринларда ҳукуқбузарликлар профилактикаси бўлими деб аталади) бошлигини хабардор қиласди.

17. Ҳукуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи ҳимоя ордерини расмийлаштириш учун тўпланган материалларни ўрганиб, тарафлар фикрини эшигтган ҳолда профилактика инспекторининг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ҳақли.

### **3-боб. Ҳимоя ордерининг ижросини таъминлаш тартиби**

18. Ҳимоя ордерида қуйидаги чекловлар назарда тутилиши мумкин:

тазийқ ўтказишни ва зўравонлик содир этишни тақиқлаш;

тазийқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчилар билан алоқасини тақиқлаш (иш жойларида ва таълим муассасаларида тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчининг тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахс билан билвосита алоқасига йўл қўйилади);

тазийқ ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш;

тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчини даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий заарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек маънавий зиённи компенсация қилиш мажбуриятини юклатиш;

тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг қуролни (бундан хизмат қуроли мустасно) сақлаш ва олиб юриш ҳукуқини ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек, қурол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир ҳукуқини тақиқлаш.

Ҳимоя ордерида қонун ҳужжатларида белгиланмаган бошқа чекловларни назарда тутиш тақиқланади.

19. Тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахсдан қурол ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйиш ҳамда сақлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. Профилактика инспектори ҳимоя ордерини расмийлаштиришда хотин-қизларга нисбатан ўтказилган тазийқ ва зўравонлик ҳолатидан келиб чиқкан ҳолда зўравонлик содир этган шахсга мазкур Низомнинг 18-бандида белгиланган битта ёки бир нечта чекловни бир вақтнинг ўзида кўллаши мумкин.

21. Ҳимоя ордери амал қилиш даврида:

**а) профилактика инспекторлари:**

тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради;

хотин-қизларга тазийқ ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради;

ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат қиласи ҳамда унинг талабларини бузган зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

**б) меҳнат органлари:**

хотин-қизларга нисбатан иш жойида тазийқ ва зўравонлик ўтказилган ҳолларда, бундай ҳолларга йўл қўймасликка қаратилган, шунингдек, хотин-қизлар билан ўзаро муносабатлар маданиятини ошириш бўйича ташкилотларда профилактика тадбирларини ўтказади;

ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

**в) таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари:**

таълим муассасаларида таҳсил олувчилар орасидан хотин-қизларга нисбатан тазийқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахслар аниқланганда уларнинг хулқ-атворини тузатиш, шунингдек, тазийқ ва зўравонликдан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширади;

тазийқ ва зўравонликдан жабрланганларнинг таълим муассасаларида бўш вақтни мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида тадбирлар ташкил этади;

ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

**г) давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:**

тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини амалга оширади;

ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатларини аниқлаган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

**д) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг худудий органлари:**

хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатларига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўради;

жабрланувчини ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда бузилган хукуқларини тиклаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизларга нисбатан тазийқ ўтказганлиги ва зўравонлик содир этганлиги учун профилактик ҳисобда турадиган шахслар билан низоли вазиятларни профилактика қилиш, тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш чораларини кўради;

химоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатларини аниқлаган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

**е) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:**

хотин-қизларни тазийк ва зўравонлиқдан химоя қилишга доир тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашади;

хотин-қизларга тазийк ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан олиб бориладиган профилактика ишларида қатнашади;

химоя ордерининг амал қилиш муддати давомида тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи зўравонликни содир этган шахс, шунингдек, жабрланувчи билан келгусида бундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фаоллари иштирокида сухбатлар ўтказади;

бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради.

22. Зўравонлик содир этган шахслар томонидан химоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда профилактика инспектори томонидан ўз ваколати доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чора-тадбирлар амалга оширилади.

**4-боб. Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тартиби**

23. Ҳимоя ордерининг амал қилиш даврида хавф бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати жабрланувчининг аризасига кўра кўпи билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

24. Профилактика инспектори беш иш куни мобайнида:

ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги жабрланувчининг аризасини, шу жумладан, хавф бартараф этилган ёки этилмаганлигини ўрганади;

ушбу масала юзасидан мазкур Низомнинг 21-бандида кўрсатилган тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг фикри (хулосаси)ни олади;

ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан тўпланган маълумотларни хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғига киритади.

25. Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи икки иш куни мобайнида тегишли ҳужжатларни ўргангандан ҳолда ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтиради ёки узайтиришни рад этиш тўғрисида асосланган қарор қабул қиласи.

26. Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилган тақдирда бу ҳақда амалдаги бланкага белги кўйилиб, жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар таниширилади ҳамда зўравонлик содир этган шахслар зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тўғрисида огоҳлантирилади.

27. Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилган даврида зўравонлик содир этган шахсларга қўшимча чекловлар ёки профилактик чора-тадбирлар белгиланиши мумкин.

28. Ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчиларнинг ҳимоя ордерини узайтириш тўғрисидаги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили иштирокида кўриб чиқилади.

### **5-боб. Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини тугатиш тартиби**

29. Ҳимоя ордерининг амал қилиши қўйидаги ҳолатларда тугатилади:  
жабрланувчи ҳимоя ордерини тугатишни сўраб мурожаат қилганда;  
ҳимоя ордерида белгиланган муддат (узайтирилган муддат) тугаганда;  
жабрланувчи ёки зўравонлик содир этган шахсдан бири суд томонидан мумомалага лаёқатсиз деб топилганда;  
содир этган жинояти учун жабрланувчи ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бирига нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланганда;  
жабрланувчилар ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бири содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилганда;  
жабрланувчилар ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бири мажбурий даволанишга юборилганда;  
жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларнинг бири қонун хужжатларига мувофиқ доимий яшаш жойидан узоқ муддатга бошқа мамлакатга чиқиб кетганда;  
жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларнинг бири вафот этганда.

30. Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати тугаганлиги тўғрисида шу куннинг ўзида жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар хабардор қилинади.

### **6-боб. Ҳимоя ордерини бериш фаолиятини мониторинг қилиш тартиби**

31. Ҳимоя ордерини бериш фаолияти ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан мониторинг қилиб борилади.

32. Профилактика инспекторлари томонидан тақдим этилган жабрланувчи, зўравонлик содир этган шахсларга берилган ҳимоя ордери тўғрисидаги статистик маълумотлар туман хукуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари томонидан умумлаштириб, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси хукуқбузарликлар профилактикаси бошқармаларига кейинги ойнинг 2 кунига қадар тақдим этади.

33. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси хукуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари ушбу маълумотларни ўрганиб, умумлаштиради ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хукуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасига кейинги ойнинг 5 кунига қадар тақдим этади.

34. Хукуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлигининг хотин-қизларни тазийикдан ҳимоя қилиш, шу жумладан, ҳимоя ордерини бериш

бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи ҳар ойда тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғи ҳузурида ўтказиладиган тезкор йиғилишларда муҳокама қилиб борилади.

#### **7-боб. Якунловчи қоидалар**

35. Ҳимоя ордери бланкаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тайёрланади.

36. Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

37. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

04.01.2020 й.

**Тазийк ва зўравонликдан жабрланган хотин-кизлар учун  
химоя ордери**

Серия АА № 0000000

20 \_\_\_ йил “\_\_\_”

(берилган сана)

(берилган жой)

**Тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахслар  
ҳақидаги маълумотлар:**

(Ф.И.О., тугилган санаси ва жойи, ўқиш, иш ва яшаш жойи)

Тазийк ва зўравонликдан  
жабрланган хотин-кизларга химоя  
ордерини бериш, ижросини  
таъминлаш ва мониторинг олиб  
бориш тўғрисидаги низомга  
1-илова

**ШАКЛ-1**

Жабрланган шахснинг конуний ёки  
васийлик, хомийлик органи вакили

(Ф.И.О., тугилган санаси ва жойи, ўқиш,  
иш ва яшаш жойи)

имзо

**Тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахса  
белгиланган чекловлар:**

тазийк ўтказишини ва зўравонлик содир этишини такиклаш (1)  тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазийк ва зўравонликдан жабрланганлар билан алоқасини такиклаш (2)  тазийк ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазийк ва зўравонликдан жабрланганинг хамда тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазийк ва зўравонликдан жабрланганинг даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазийк ва зўравонликдан жабрлангандарга ёрдам кўрсатувчи маҳсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўринини коплаш, шунингдек, маънавий зиёни компенсация килиш мажбуриятини юклаш (4)  тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг куролни (бундан хизмат куроли мустасно) саклаш ва олиб юриш хукукини химоя ордерининг амал килиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд такиклаш, шунингдек, курол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир хукукини такиклаш (5)  зўравонлик хулк-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши шартлиги юзасидан белгиланган мажбурият (6)

Химоя ордерининг амал килиш муддати: 20 \_\_\_ йил “\_\_\_” дан 20 \_\_\_ йил “\_\_\_” гача.  
Химоя ордерининг амал килиш муддати  
узайтирилганлиги: 20 \_\_\_ йил “\_\_\_” дан 20 \_\_\_ йил “\_\_\_” гача.

**Чекловлар билан танишдим:**

- (1)  имзо  
(2)  имзо  
(3)  имзо  
(4)  имзо  
(5)  имзо  
(6)  имзо

20 \_\_\_ йил “\_\_\_”  
(танишган сана)

имзо

**Тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган  
шахс учун химоя ордери нусхаси**

Серия АА № 0000000

20 \_\_\_ йил “\_\_\_”

(берилган сана)

(берилган жой)

**Тазийк ўтказилган ёки зўравонликдан жабрланган хотин-кизлар ҳақидаги  
маълумотлар:**

(Ф.И.О., тугилган санаси ва жойи, ўқиш, иш ва яшаш жойи)

Жабрланган шахснинг конуний ёки  
васийлик, хомийлик органи вакили

(Ф.И.О., тугилган санаси ва жойи, ўқиш,  
иш ва яшаш жойи)

имзо

**Химоя ордерида белгиланган чекловлар ва белгиланган мажбурият:**

тазийк ўтказишини ва зўравонлик содир этишини такиклаш (1)  тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазийк ва зўравонликдан жабрланганлар билан алоқасини такиклаш (2)  тазийк ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазийк ва зўравонликдан жабрланганинг хамда тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазийк ва зўравонликдан жабрланганинг даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазийк ва зўравонликдан жабрлангандарга ёрдам кўрсатувчи маҳсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўринини коплаш, шунингдек, маънавий зиёни компенсация килиш мажбуриятини юклаш (4)  тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг куролни (бундан хизмат-штат куроли мустасно) саклаш ва олиб юриш хукукини химоя ордерининг амал килиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд такиклаш, шунингдек, курол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир хукукини такиклаш (5)  зўравонлик хулк-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши шартлиги юзасидан белгиланган мажбурият (6)

Химоя ордерининг амал килиш муддати: 20 \_\_\_ йил “\_\_\_” дан 20 \_\_\_ йил “\_\_\_” гача.  
Химоя ордерининг амал килиш муддати  
узайтирилганлиги: 20 \_\_\_ йил “\_\_\_” дан 20 \_\_\_ йил “\_\_\_” гача.

**Чекловлар билан танишдим:**

- (1)  имзо  
(2)  имзо  
(3)  имзо  
(4)  имзо  
(5)  имзо  
(6)  имзо

20 \_\_\_ йил “\_\_\_”  
(танишган сана)**Химоя ордери берилётган шахс ҳақидаги маълумотлар:**

Серия АА № 0000000

(Ф.И.О., тугилган санаси ва жойи, ўқиш, иш ва яшаш жойи)

**Чекловлар билан танишдим:**

- (1)  имзо  
(2)  имзо  
(3)  имзо  
(4)  имзо  
(5)  имзо  
(6)  имзо

Химоя ордерини олдим:

(жабрланувчининг Ф.И.О., имзои химоя ордерини олган йил, ой ва сана)

**Химоя ордери берилган шахсга ушбу ордерда белгиланган талабларни тушунтириш:**

Мен \_\_\_\_\_ химоя ордерида кайд этилган чекловлар тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахс томонидан бажарилмаган холларда зудлик билан мансабдор шахсни хабардор килиш тартиби билан танишдим.

(жабрланувчининг имзо)

Серия АА № 0000000

**Химоя ордери нусхаси берилётган шахс ҳақидаги маълумотлар:**

(Ф.И.О., тугилган санаси ва жойи, ўқиш, иш ва яшаш жойи)

Химоя ордерини олдим:

(Тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг танишганлиги  
юзасидан имзо. йил, ой ва сана)20 \_\_\_ йил “\_\_\_”  
(танишган сана)**Чекловлар билан танишдим:**

- (1)  имзо  
(2)  имзо  
(3)  имзо  
(4)  имзо  
(5)  имзо  
(6)  имзо

20 \_\_\_ йил “\_\_\_”  
(танишган сана)**Химоя ордери берилган шахсга ушбу ордерда белгиланган талабларга риоя  
этмасликнинг оқибатларини тушунтириш**

Мен \_\_\_\_\_ химоя ордеридаги чекловлар ва уни бажармаслик оқибатлари билан танишдим.

(Тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахс имзо)

## Тазийқ ўтказилган ёки зўравонлиқдан жабрланган шахс

“Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчи қўйидаги хукуқларга эга:

ўзига нисбатан тазийқ ва зўравонлиқ содир этилганлиги ёки уларни содир этиш таҳди迪 тўғрисидаги ариза билан тегишли ваколатли органларга ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш;

махсус марказларда, шунингдек, бепул ишонч телефони орқали бепул хукукий маслаҳат, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошка ёрдам олиш;

ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилиш, ҳимоя ордери шартлари бузилган тақдирда уларни бу ҳақда хабардор килиш;

содир этилган тазийқ ва зўравонлиқ натижасида ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ҳамда маънавий зиён компенсация қилиниши тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиш.

Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод килинади.



Тазийқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахс қўйидагиларга риоя этиши шарт:

“Хотин-қизларни тазийқва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ мансабдор шахс томонидан белгилаб берилган чекловларга риоя этиш;

ушбу Қонунга мувофиқ мансабдор шахс томонидан белгилаб берилган чекловлар юзасидан келиб чиқкан низоли ҳолатлар бўйича ўз вақтида юқори турувчи идорага ёки судга белгиланган тартибда мурожаат килиш;

ҳимоя ордери берилган тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларнинг ноконуний хатти-харакати тўғрисида хукукни муҳофаза килувчи идораларга ёки ваколатли органларга ўз вақтида хабар бериш.

Мен ҳимоя ордерининг шартлари ҳамда уни бажармаслик оқибатлари ва зўравонлик хулқ-атворини ўзгarterиши бўйича тузатиш дастурларидан ўтишим зарурлиги тўғрисида хабардор қилиндим.

20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ”  
(танишган сана)

(имзо)

(тазийқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг Ф.И.О.)



Серия АА № 0000000

### Ҳимоя ордерини бериш учун асос бўлган ҳужжатлар:

тазийқ ва зўравонлиқ курбонининг мурожаати (1)  жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари (2)   
 тазийқ ёки зўравонлиқ содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш ҳолатларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аникланиши (3)  давлат органларидан ва бошка ташкилотлардан тушган материаллар (4)

- (1)   
(2)   
(3)   
(4)

**Ҳимоя ордерида белгиланган чекловлар:**  
тазийқ ўтказиши ва зўравонлиқ содир этишини тақиқлаш (1)  тазийқ ўтказган ёки зўравонлиқ содир этган шахснинг тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланганлар билан алокасини тақиқлаш (2)  тазийқ ўтказилган ва зўравонлиқ содир этилган тақдирда тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланганнинг ҳамда тазийқ ўтказган ва зўравонлиқ содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш (3)  тазийқ ўтказган ёки зўравонлиқ содир этган шахснинг зиммасига тазийқ ва зўравонлиқдан жабрлангани даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи махсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек, маънавий зиённи компенсация қилиш мажбуриятини юлаш (4)   
тазийқ ўтказган ва зўравонлиқ содир этган шахснинг куролни (бундан хизмат куроли мустасно) саклаш ва олиб юриш хукукини ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек, курол сотиб олиш учун рухсатнома олишига доир хукукини тақиқлаш (5)  зўравонлиқ хулқ-атворини ўзгarterиши бўйича тузатиш дастуридан ўтиши шартлиги юзасидан белгиланган мажбурият (6)

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати: 20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” дан 20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” гача.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати  
узайтирилганилиги: 20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” дан 20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” гача.

Жабрланган шахснинг қонуний ёки  
васиийлик, хомийлик органи вакили

(Ф.И.О., түгилган санаси ва жойи, ўқиши,  
иши ва яшаш жойи)

имзо

Чекловлар билан танишдим:

- (1)  (2)  (3)  (4)  (5)  (6)

20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ”  
(танишган сана)

Тазиқ ва зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларга химоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларга химоя ордерини бериш тартиби  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-боскич	Тазиқ ва (ёки) зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизлар, жисмоний ёки юридик шахслар, ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари	Хотин-қизлар тазиқ ва (ёки) зўравонлиқдан жабрланганлиги тўғрисида ички ишлар органларига мурожаат килинади (хабар берилади).	Заруратга қараб
2-боскич	Ички ишлар органлари навбатчилик қисми	<ol style="list-style-type: none"><li>Мурожаат ва хабарлар ички ишлар органлари навбатчилик қисмидаги дафтарга қайд этилади.</li><li>Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмida белгиланган тартибда қайд этилган мурожаатлар ва хабарлар профилактика инспекторига тақдим этилади.</li></ol>	Дарҳол
3-боскич	Профилактика инспектори	<p>1. Ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари томонидан тақдим этилган мурожаатлар ва хабарларни ўрганиб чиқади ва унинг якуни бўйича:</p> <p>тазиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда – химоя ордерини расмийлаштиради;</p> <p>тазиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланмаган тақдирда – қонун хужжатларига мувофиқ тегишли чораларни белгилайди ҳамда бу ҳақда фуқаролар йигини раиси, котиби, хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласаларда маънавий ахлоқий қадриятларни мустахкамлаш бўйича мутахассис иштирокида далолатномани расмийлаштиради;</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят белгилари аниқланган тақдирда – химоя ордерини бериш</p>	24 соат мобайнида

		<p>тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бир вақтда иш материалларини жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳуқукни муҳофаза килувчи органга юборади.</p> <p>2. Ҳимоя ордери берилгани ҳакида тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)нинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси, гурӯҳи) (кейинги ўринларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими деб аталади) бошлигини хабардор киласди.</p>	Ҳимоя ордери берилганидан сўнг уч кун муддатда
4-босқич	Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиги	<p>1. Ҳимоя ордерини расмийлаштириш учун тўпланган материалларни ўрганиб, тарафлар фикрини эшитган ҳолда профилактика инспекторининг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ҳакли.</p> <p>2. Ҳимоя ордерини бериш фаолияти устидан мониторинг олиб боради.</p> <p>3. Профилактика инспекторлари томонидан жабрланувчи, зўравонлик содир этган шахсларга берилган ҳимоя ордери тўғрисидаги статистик маълумотларни умумлаштириб, Қорақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармалари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаларига тақдим этади.</p>	Заруратга қараб  Ҳар ойда  Ҳар ойнинг 2-кунига қадар
5-босқич	Туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиги	Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлигининг хотин-қизларни тазибиқдан ҳимоя қилиш, шу жумладан, ҳимоя ордерини бериш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи тезкор йигилишларда муҳокама қилиб борилади.	Ҳар ойда
6-босқич	Мехнат органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари, таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш	<p>1. Ушбу Низомнинг 21-бандига мувофиқ зиммаларига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширади.</p> <p>2. Амалга оширилган ишлар тўғрисида профилактика инспекторига хабар беради.</p>	Ҳимоя ордери амал қилиши мобайнида

		тизимини бошқариш органлари, соғлиқни саклаш муассасалари, Хотин-кизлар қўмитаси худудий бўлимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари		
7-боскич	Профилактика инспектори	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан, уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради.</li><li>2. Хотин-кизларга тазийқ ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам равишда профилактика ишларини олиб боради.</li><li>3. Ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат қиласди ҳамда унинг талабларини бузган зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради.</li></ol>	Мунтазам равишда	Мунтазам равишда
8-боскич	Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармалари хукуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари	Жабрланувчи, зўравонлик содир этган шахсларга берилган ҳимоя ордери тўғрисидаги статистик маълумотлар умумлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳукуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасига тақдим этилади.	Ҳимоя ордери амал қилиши даврида	Кейинги ойнинг 5-кунига қадар

Тазиик ва зўравонлиқдан  
жабрланган хотин-қизларга ҳимоя  
ордерини бериш, ижросини  
тальминлаш ва мониторинг олиб  
бориш тўғрисидаги низомга  
3-илова

### ХАБАРНОМА

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ да

ТОМОНИДАН  
(тазиик ва зўравонлик содир эттан ёки содир этишга мойил бўлган  
шахснинг Ф.И.О. ва яшаш манзили)

(тазиик ва зўравонлик содир эттан ёки содир этишга мойил бўлган  
шахснинг содир этилган хатти-харакатлари баён этилади)

ТОМОНИДАН  
(хабар берган ваколатли орган номи, ходимнинг Ф.И.О.)

Ушбу хабарнома 20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ да  
ички ишлар органлари навбатчилик кисмida \_\_\_\_-сон  
билин қайд этилди.

Ушбу хабарнома 20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ да  
ички ишлар органларининг \_\_\_\_-сонли таянч пункти  
профилактика инспекторига тақдим этилди.

(хабар берган ваколатли орган номи, ходимнинг Ф.И.О) \_\_\_\_\_ (имзо)

Хабарнома тақдим этилган сана:  
20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ да

(М.Ү.)

Хабарномани қабул қилдим:

(хабарноманинни қабул қилган ИИО ходимнинг Ф.И.О)

(имзо)

### ХАБАРНОМА

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ да

ТОМОНИДАН  
(тазиик ва зўравонлик содир эттан ёки содир этишга мойил бўлган  
шахснинг Ф.И.О. ва яшаш манзили)

(тазиик ва зўравонлик содир эттан ёки содир этишга мойил бўлган  
шахснинг содир этилган хатти-харакатлари баён этилади)

ТОМОНИДАН

(хабар берган ваколатли орган номи, ходимнинг Ф.И.О)

Хабарнома тақдим этилган сана:

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ да

(М.Ү.)

(имзо)

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “4” январдаги  
3 -сон қарорига  
2-илова

**Тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тартиби тўғрисида**  
**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан (кейинги ўринларда тузатиш дастури деб аталади) ўтиши тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

**зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахс** – хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш билан таҳдид қилишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қилган шахс;

**тузатиш дастури** – шахснинг зўравонликка мойил хулқ-атворини ўзгартиришда унга руҳий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга ҳамда ижтимоий ҳаётга мослаштиришга қаратилган тарбиявий ахамиятга эга бўлган тадбирлар мажмуи;

**тузатиш дастуридан ўтувчи шахс** – хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий зўравонликни содир этган ҳамда зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахс.

3. Тузатиш дастури зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг (кейинги ўринларда зўравонлик содир этган шахс деб аталади) хотин-қизларга нисбатан зўравонлигининг олдини олиш ва уларнинг тажовузкор хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартириш ҳамда унинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларини мустакил назорат қилишга кўмаклашиш орқали хотин-қизларга нисбатан зўравонлик такроран содир этилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

4. Тузатиш дастурининг вазифалари куйидагилардан иборат:

хотин-қизларга нисбатан зўравонликни олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш учун самарали ташкилий тадбирларни белгилаш;

хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этилишига олиб келган ва унга имкон берган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш;

яширин (латент) зўравонликни аниқлаш, тоифалаш ва якка тартибда ёки гурух таркибида тузатиш;

зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг содир этган хатти-ҳаракатларининг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида

улар билан якка тартибда ёки гурух шаклида тушунтириш ишларини олиб бориш;

зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг бошқа шахсларнинг хукуқларини камситмаган ва бузмаган ҳолда ўз ҳиссиётларини очик намоён этишга, хатти-харакатларини назорат қилишга ўргатиш;

шахснинг низоли ҳолатга тушишининг олдини олиш, бошқа шахсларга нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш;

зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг атрофидаги шахслар томонидан унга нисбатан салбий психологик таъсир ўтказилиши оқибатида учинчи шахсга нисбатан зўравонлик ўтказиш ҳолатига тушмаслик кўникмасини шакллантириш.

5. Тузатиш дастури зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларни жамиятда ўрнатилган умуммажбурий хулқ-атвор қоидаларига риоя қилиш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти, меҳнат, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, хотин-қизлар қўмиталари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (кейинги ўринларда ваколатли орган ва ташкилотлар деб аталади) томонидан бир ойгача бўлган муддатда амалга оширилади.

6. Ваколатли орган ва ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида тузатиш дастури борасидаги тадбирларни бошқа давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

7. Сурункали алкоголизм, гиёхвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган ҳамда руҳий ҳолати бузилган шахслар тузатиш дастуридан ўтказилмайди ва қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий даволанишга юборилиши мумкин.

## **2-боб. Тузатиш дастуридан ўтказиш тартиби**

8. Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)нинг хукуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси, гурухи) бошлиғи (кейинги ўринларда профилактика бўлими бошлиғи деб аталади) томонидан узайтирилган тақдирда, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспектори (кейинги ўринларда профилактика инспектори деб аталади) зўравонлик содир этган шахснинг хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтишини ҳимоя ордерида белгилаб, тузатиш дастуридан ўтувчи шахсга имзо қўйдириб таништиради.

9. Профилактика инспектори тузатиш дастуридан ўтувчи шахс ҳақидаги маълумотларни 24 соат ичида хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласарда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисга (кейинги ўринларда мутахассис деб аталади) тақдим этади.

10. Мутахассис ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклдаги дафтарни юритади ҳамда ушбу дафтарга тузатиш дастуридан ўтувчи шахс ҳақидаги маълумотларни қайд этиб боради.

11. Шахс қуйидаги ташкилотларда тузатиш дастуридан ўтади:

фуқаролар йиғини яраштириш комиссиясида – оила-турмуш доирасидаги низоли вазиятлар юзасидан;

таълим муассасасида – тузатиш дастуридан ўтиши белгиланган таълим муассасасида таҳсил оловучи, ўқитувчи ёки бошқа ходим билан боғлиқ низолар юзасидан;

соғлиқни сақлаш муассасасида – тузатиш дастуридан ўтувчи шахснинг руҳий ҳолати бўйича;

мехнат органларида – тузатиш дастуридан ўтувчи вактинча ишсиз шахсларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича;

Ёшлар иттифоқининг ҳудудий бўлинмаларида – тузатиш дастуридан ўтувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва ёшлар билан боғлиқ низолар бўйича.

Бунда шахс қайси ташкилот(лар)да тузатиш дастуридан ўтиши лозимлиги профилактика инспектори томонидан профилактика бўлими бошлиғи билан келишган ҳолда белгилаб берилади.

12. Мутахассис:

тузатиш дастуридан ўтувчи шахслар билан ваколатли орган ва ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган тадбирларни умумлаштириш мақсадида ҳар бир шахс бўйича алоҳида йигма жилд очади;

шахсни тузатиш дастуридан ўтишини амалга ошириш тадбирларини ташкил қилиш учун фуқаролар йиғини раисининг имзоси билан ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган тартибда ваколатли орган ва ташкилотларга хат юборилишини таъминлайди.

Ваколатли орган ва ташкилотлар тузатиш дастуридан ўтувчи шахс билан тегишли хулқ-атворни тузатишга қаратилган тадбирларни амалга оширади ҳамда ҳисобини олиб боради.

13. Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахсларнинг тузатиш дастуридан ўтиши қуйидаги тартибда амалга оширилади:

фуқаролар йиғини Яраштириш комиссияси оила-турмуш доирасидаги низолардан келиб чиқиб тузатиш дастуридан ўтишга юборилган шахсни ўз ваколати доирасида ўрганади, низони бартараф этиб, тузатиш тадбирларини амалга оширади ва тузатиш дастуридан ўтувчи шахсни ўз назоратига олади;

таълим муассасаси тузатиш дастуридан ўтувчи таҳсил оловчилар, ўқитувчи ёки бошқа ходим билан боғлиқ низоларни бартараф этиш чораларини амалга оширади, низолашувчи томонларни келиштиради ва содир этилиши мумкин бўлган низоли ҳолатларнинг олдини олади;

соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан белгиланган тартибда шахслар руҳий ҳолати текширилади ва ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган тартибда тузатиш дастуридан ўтади. Бунда тузатиш дастуридан ўтказишнинг аниқ

муддати тегишли соғлиқни сақлаш муассасаси раҳбари томонидан шахснинг руҳий-психофизиологик ҳолати ҳисобга олинган ҳолда мустақил белгиланади;

мехнат органлари тузатиш дастуридан ўтувчи вақтинча ишсиз шахсларнинг бандлигини таъминлайди ва уларни ижтимоий қўллаб-куватлаш чораларини кўради;

Ёшлар иттифоқи тузатиш дастуридан ўтувчи ёшлар билан якка ва гуруҳ тартибида тарбиявий ишларни амалга оширади ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлайди, профилактик чора-тадбирларни ташкил этади;

Хотин-қизлар қўмитаси зўравонлик ҳолатларига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниклади ва зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахс билан якка тартибдаги профилактик тадбирларни ўтказади.

14. Ушбу Низомнинг 13-бандида кўрсатилган ваколатли орган ва ташкилотлар тузатиш дастурини амалга оширишда зўравонликни содир этган ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар ҳамда бошқа шахсларда зўравонликка қарши иммунитет шакллантирилишига кўмаклашади.

15. Ваколатли орган ва ташкилотлар тузатиш дастуридан ўтувчи шахслар билан ўтказилган якка тартибда ва гуруҳ шаклида психологик, педагогик, ижтимоий ва тиббий йўналишлардаги тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни фуқаролар йигинига юборади.

Мутахассис ваколатли орган ва ташкилотлардан тузатиш дастуридан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қиласида ва унинг яқунлари фуқаролар йигинида тегишли профилактика инспектори иштирокида муҳокама қилинишини таъминлайди.

Фуқаролар йигини муҳокамасида шахсни тузатиш дастуридан ўтказишда иштирок этган ваколатли орган ва ташкилотларнинг вакиллари ҳам иштирок этади.

### **3-боб. Якунловчи қоидалар**

16. Тузатиш дастуридан ўтиш жараёнида зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахс билан ўтказилган профилактик сухбатлар, шахснинг шахсий ҳаётига оид маълумотлар ошкор этилмайди ва тарқатилмайди.

17. Тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш “Хотин-қизларни тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга  
мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик хулқ-авторини  
ўзгаририш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахсларнинг  
тузатиш дастуридан ўтишини қайд этиш**  
**ДАФТАРИ**

T/p	Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахснинг Ф.И.О.	Тугилган йили	Яшаш жойи, телефон рақами	Иш жойи	Дастурдан ўтиш санаси	Дастурдан ўтиш натижалари
	1	2	3	4	5	6
1.						
2.						

Тазиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгаририш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тартиби тўғрисида низомга 2-илова

**Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахсларни тузатишнинг намунавий  
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Давомийлиги
	Якка тартибда сұхбат	
1.	Зўравонлика мойил хулқ-атворни тузатиш дастури моҳиятини тушунтириш. Шахсни диагностикадан ўтказиш.	3 соатгача
2.	Зўравонлик ҳолатини келтириб чиқарган сабаблар ва шароитларни ўрганиш ҳамда аниқлаш.	3 соатгача
3.	Шахснинг психоэмоционал ҳолатини коррекциялаш, унинг айборлик ҳиссини аниқлаш ва ундан халос этиш ҳамда бошқа шахсларга нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлиш кўнималарини шакллантириш.	3 соатгача
4.	Шахснинг бошқа шахсларнинг хукуқларини камситмаган ҳолда ўз ҳиссиётларини очик намоён этишга, хатти-харакатларини назорат қилишга ўргатиш.	2 соатгача
Гурӯҳда ишлаш		
1.	Агрессияни бошқариш. Уй вазифаси.	4 соатгача
2.	Шахслараро муносабатларни аниқлаш. Бошқа шахслар билан муносабатларни яхшилаш. Ассертивликни шакллантириш (шахсни ташки таъсирга берилмасдан ўз хулқ-атворини мустақил бошқаришга ўргатиш). Уй вазифаси.	4 соатгача
3.	Салбий ҳиссиётлардан халос бўлишни ўргатиш. Характеридаги ижобий ҳиссиётларни намоён этиш. Машғулот.	4 соатгача

*Изоҳ:* Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахсларни тузатишни дастуридан ўтказиши даврида уларнинг ёши, жинси, руҳий ҳолати ва турмуши тарзидан келиб чиқиб амалга оширилаётган якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар мобайнида турли психологик усуллар ва одоб-ахлоқ тамошларидан фойдаланиши мумкин.

